

## “Мева сабзавотчиликда қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари” мавзусида муаммоли маъруза

2018 йил 20 апрель куни соат 10:00 да Б-ўқув биноси, 108-аудиториясида “Иқтисодиёт ва менежмент” факультети “Иқтисодиёт” (сув хўжалиги) таълим йўналиши 4-курс талабаларига ТИҚХММИ докторанти Эшматов Сирожиддин Келдиярович “Мева сабзавотчиликда қиймат занжирини ривожлантириш йўналишлари” мавзусида муаммоли маъруза қилди. Маъруза давомида талабаларга Озиқ-овқат хавфсизлиги, жорий қишлоқ хўжалиги сиёсатидаги ўзгаришлар, ҳудудлар иқтисодиёти, маҳсулотлар диверсификацияси тўғрисида таҳлилий маълумотлар тақдим этилди. Шунингдек, Мева-сабзавотчилик қиймат занжирининг бугунги ҳолатини таҳлил қилиш ва уни ривожлантириш бўйича тавсиялар берди ҳамда глобал қиймат занжири тўғрисида маълумотлар тақдим этилди. Маъруза қизгин баҳс-мунозара, савол-жавоблар тарзида бўлиб ўтди.



**“И ва М” факультети декани ўринбосари Ж.Турдиев.**